



Улуғ 50 йиллиги Октябрнинг ШАРАФИГА



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 36 (3518).

Якшанба, 19 февраль 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.



АБАДИЙ СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Бугун газета ўз ўқувчиларига

гражданлар уруши даврида революция ғалабаларини сақлаб қолиш-

да партия ва халқимиз кўрсатган

матонат, жасорат тўғрисида

ҳикоя қилади.



В. И. Ленин Қизил майдонда Умумий таълим қўшнилари бўлида нуқт сўзламоқда. Москва, 1919 йил 25 май.

Дунёни титратган Улуғ Октябрь тарихда биринчи бўлиб мамлакатимизда помещиклар ва капиталистлар ҳукмронлигини тугати, эксплуататорлар тузумини яқсон қилди; Пролетариат диктатураси ўрнатилди, давлатнинг янги тип — Совет Социалистик давлати ву- жудга келди. Меҳнаткашлар ҳукмронлиги даври бош- ланди.


Чет эл империалистларига бу жаҳоншумул-тарихий тўнтаришлар сира ёқмасди, улар ҳокимиятни қўлга олган ишчи ва деҳқонлар ўз намунаси билан капиталистик мамлакатлар меҳнаткашларига революцион таъсир кўрсатишларини асло истамас эдилар. Шу боисдан улар ички контрреволюция кучлари билан тил бириктириб, ҳарбий интервенция ва гражданлар урушини бошлаб юбордилар. «Ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг шу йил 4 январдаги қарориди, — юксак революцион руҳи ва қаҳрамонлиги Октябрь кунларида, граждан уруши ва чет эл интервенцияси йилларида алоҳида куч билан на- моён бўлди. Совет республикаси бамисоли бир орол ка- би душман кучлари океани билан қўраб олинган эди, душманлар уни муқаррар ва тез ҳалок бўлади, деб ай- тоқда эдилар. Улар ёш Совет республикасини бўғиб ў- лдириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Оқ тўғрида- лар ва интервенциячиларнинг оловли ҳалқасини тилка- пор қилмоқ, иқтисодий блокадани, очлик ва ҳўжалик- даги вайронлиқни бартараф қилмоқ учун жуда катта куч ва гайрат сарфлаш талаб қилинди. Коммунистик партия раҳбарлигида ишчи ва деҳқонлар, Қизил Армия революция ғалабаларини қаттиқ туриб сақлаб қоли- лар, душманларни тор-мор келтирдилар».

Ҳамза Ҳакимзода НИЕЗИИ

БЕРМА ЭРКИНГИ ҚЎЛДАН

Папоқ кийган қаҳрамон,
Гавдали қоллон,
Темир панжар билан тўқ,
Душманнингдан қон!
Боболарда бир сўз бор
Эшит, огажон.
«Босган издан қайтмас
Ўлса ҳам арслон».
Душманлар оёқ бос,

СОВЕТСКИЙ ТУРКЕСТАН В КОЛЬЦЕ ФРОНТОВ



Сиз қўриб турган ушбу схемада ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши даврида Туркистон республикаси ҳарбий қисмларини нг жойлашсини тасвирланган.

Ерлар титратиб,
Душман сари йўлга бос
Отлар ўйнади!
Басдур, шунича йил чеккан
Кулфат ва ҳўрлик!
Золим бойлар ҳақинга
Қилди ҳар зўрлик.
Яна истар хонлар
Қилмоқ қонхўрлик.

Битсин энди, истибод
Бирла қонли!
Ишчи эрлар тулшани,
Ишмасин турлик!
Берма эркинги қўлдан,
Яшамок чоғинг!
Еркинги шариди сенинг
Мулку чорбоғинг.
Эй, жаҳонни қизартсини,

Қонли сапжонинг!
Гарбда, Шарқда шодлансин
Кўрсин Туркида!
Мангу қолсин оламда,
Шонли байрогинг!
1919 йил.
1 Санжог — байроқ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида дўст- лик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам туғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 19 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети- нинг Бош секретари Л. И. Бреж- нев, СССР Олий Совети Президи- умининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Венгрия Со- циалистик Ишчи партияси Марка- зий Комитетининг биринчи секре- тари Янош Кадарга, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Добига ва Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукума- тининг раиси Дьюжа Каллаига те- леграмма йўлладилар. Улар бу те- леграммада Венгрия раҳбарларига ва қардош венгер халқига самимиЙ қутловлар билдириб, социалистик қурилишда, социализм қуларин- нинг бирлиги ва жипслиги учун,

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Т. А. ПЕТРОСЯН
(ТАМАРАХОНИМИНГ)
МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ
ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Совет санъатини ривожланти- ришдаги катта хизматлари ва туғилган кунига олтинчи йил тўлиши муносабати билан СССР халқ артисти Тамара Ар- темовна Петросян (Тамарахо- ним) Меҳнат Қизил Байроқ ор- дени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1967 йил, 17 февраль.

Ю К С А Ж И Ш О Н Ч

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайланадиган округларида депутатликка номзодлар рўйхатига олди.

Республика пойтахтидаги 1-Тошкент — Ленин сайлов округи- нинг округ сайлов комиссияси «Қизил тўғри» тикучилик фабрика- сининг тикучиси **Лидия Андреев- на Орловани** шу округдан депутат- ликка номзод қилиб рўйхатга олишга қарор қилди.

Тошкент тўқимачилик комбинати- нинг ил-йигирувчиси **Тамара Пете- ровна Кроткова** 42-Фрунзе сай- лов округидан депутатликка ном- зод қилиб рўйхатга олинди. 36-Чилонзор сайлов округининг округ сайлов комиссияси қарорига би- янован 1-уйсозлик комбинатининг бошлиғи **Ашраф Аббасовни** Капи- лов шу округдан депутатликка

номзод қилиб рўйхатдан ўтказил- ди.

Республикада округ сайлов ол- ди кенгашлари давом этмоқда. Меҳнаткашларнинг вакиллари бу кенгашларда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар тўғрисида баъзиларда келишиб олмадилар.

57-Бекobod сайлов округи меҳ- наткашлари вакиллари кенга- шлари Бекобод цемент заводидаги ай- зама пеналар маъинисти **Шеър- мат Мелисовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ном- зод қилиб кўрсатишсини бир овоздан маъқуладди.

79-Бордонқўра сайлов округида ўта- нлидан округ сайлов олди кенга- шлари колхозларнинг вакиллари Юкюри Чирчиқ районидида «По- литотдел» колхозни раиси **Мал Гим Григорьевич Хвани** шу округдан

республика Олий Совети депутат- ликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида яқидилик билан қарор қабул қилдилар.

Тошкентдаги 24-Олмозор сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари кенгашида шу округдаги бир қанча корхоналар коллективлари умумий йиллишларининг Тош- кентдаги 1-босмахона ишчиси **Му- борак Ҳолматовни** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қар- орларини қўлаб-қувватлаш тўғ- рисида қарор қабул қилдинди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари- нинг коллективлари ўзларининг сайлов олди йиллишларидан рес- публика Олий Совети депутат- лигига ўз номзодларини кўр- сатдилар.

Тошкент шаҳри ва Тошкент об- ластининг сайлов округларида республика Фанлар акаде-

мияси президентиинг ўринбоса- ри **Сергей Николаевич Рикос** — 14-Ўришчи округидан, ҳарбий хизматчи **Виталий Викторович Рибалко** — 16-Високоволыни округидан, Навоий номида Боль- шой академик опера ва ба- лет театрининг балет солист- каси **Галия Бейтмунова Из- майлова** — 41-Дўстлик ок- ругидан, ҳарбий хизматчи **Константин Александрович Макемов** — 87-Ўзгарчи ок- ругидан, Янгйўл районидида «ИИ Интернационал» колхозининг эвено бошлиғи **Назийб Алвазов** — 106-Олмозор округидан, Янгйўл район партия комитети- нинг биринчи секретари **Акрам Пулатовни** Алма- — 107-Чи- лон округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ном- зод қилиб кўрсатилди.

(ЎЗАТ).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия коми- тети, область ижроия комитети ва Облсовпроф область саноат корхо- налари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективла- рининг 1966 йилининг тўртинчи кварталдаги мусобақаси якунида- ни кўриб чиқди. Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва облсовпроф- нинг кўчма Қизил байроғини Бек- обод шаҳрига (шаҳар партия ко- митетининг биринчи секретари ўртоқ **И. К. Хўснутдинов**, шаҳар ижроия комитетининг раиси **И. И. Маматисаев** ўртоқлар) беришга қарор қилдинди. Шаҳар меҳнат- кашлари ялли саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш тўртинчи квар- тал планини 104,2 процент, меҳ- нат унумдорлигини ошириш то- пиширининг 104,1 процент, нави- таз маблағлар ўзлаштириш 195 процент, қурилиш-монтаж ишла- рининг 243 процент, балкарлар, тайёрланаётган маҳсулот танна- рини камайтириш эвазига икки ой ичида 173 минг сўмлик жамғар-

шаҳридан олиб берилди.

Тошкент шаҳар ва Янгйўл район саноат корхоналари ҳамда ташкилотлари коллективларининг яхши ишлагандилари қайд қи- лдинди.

Шаҳар ва район партия коми- тетлари, меҳнаткашлар депутат- лари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, бошланғич партия ва касабасоюз ташкилот- лари зиммасига айрим корхона- лар томонидан техника-иқтисодий кўрсаткичлар планларининг бажаришга қўйилган талабларини аниқлаш ва белгиланган давлат план- ларини бажара олмаётган кол- лективларга камчиликлариини бар- тараф этиш учун амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, коллективлар ўртаси- да Совет ҳокимиятининг шонли юбилейи — Улуғ Октябрь соци- алистик революциясининг 50 йил- лигини муносаб қўтиб олиш учун социалистик мусобақани янада қизитиш таклиф этилди.

Қ ў Ш Т ў Й

«Учқун» тўқимачилик гала- терей фирмаси коллективни бу йил қўш тўйини нишонлайди. Уларнинг бири Улуғ Октябр- нинг 50 йиллиги бўлса, иккинчи- си корхонанинг 25 йиллигидир. Шу кунларда фирманинг барча пех ва участкаларида ана шу шонли саналарини муносаб иш- сонлаш учун социалистик мусо- бақа тобора аж олмоқда.

Республика снгил саноат кор- хоналари ўртасида биринчи бў- либ планлаштириш ва иқтисо- дий рабатланганлигининг янги системаси асосида ишлашга ў- тган фирма коллективни зафар кетидан зафар қўчмоқда. Ўтган ҳўжалик йилининг тўрттазла кварталда СССР Енгил саноат министрлиги корхоналари ўрта- сидаги социалистик мусобақада муттасил биринчи ўринни олиб келган коллектив беш йиллик- нинг иккинчи йилида ҳам бара- кади ишляпти. Январ ойи иш- лаб чиқариш плани энбаси би- лан адо этилди.

Ҳозирги вақтда эса, чевар- ларнинг куч-гайрати ва диққат-

эътибори биринчи квартал иш- лаб чиқариш планини 25 март- гача адо этишга қаратилган. Чўнқи, шу кун корхонанинг 25 йиллик тўйи нишонланади. Кор- хона коллективни Улуғ Октябр байрами кўнгача икки йиллик топшириқни адо этишга аҳд қилган. Бунга эришиш учун қатор ташкилий-техникаий тад- бирлар белгиланди ва улар би- рик-кетил амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар ишлаб чиқариш- нинг самардорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсу- лотнинг техника даражаси ва сифатини ҳартомонлама яхши- лаш, хомаше ва материалларни қўлаб тежаб қолиш, маҳсулот таннаркини арзонлаштириш им- конини беради. Бундан ташқари ишлаб чиқаришнинг рентабел- лилигини ошириш, меҳнат ит- тизомини мустаҳкамлаш юзаси- дан ҳам бир қанча чоралар кў- рилди. Ана шуларнинг ҳаммаси зиммага олинган мажбурият- ларнинг тўла-тўқис бажарили- шини таъминлайди.

180 КВАРТИРА ТАЙЁР

Я НГИ Тошкент бунёдкорлари сафида Новокузнецк шаҳри- дан иелган бинокорлар ҳам бер. Улар Тошкент бошига тушган оғир кунларда бизга ёрдамга от- ланган эдилар. Қардошларимиз ёш билан зўр гайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Қиш совуғи ҳам улар жасоратини сўндира олма- ди. Мана, ҳозир Чилонзорнинг 23-В кварталда учта бино ёма- ен қўнма буй чўзиб турибди. Улар Новокузнецк шаҳрининг Тошкент- га совғасидир.

Бинокорларнинг иикитаси 50 тадан 100 оилага, учинчиси эса 80 оила- га мўлалланган. Ҳозир нўч ор- ган машиналар бу иморатларнинг подвездлари олдида келиб тўхта- япти. Зилзиладан бошпанасиз юл- ган ҳамшаҳарларимиз дўстлари- миз ҳада этган янги кватиралар- га кўчиб кирмоқдалар.

Бир томонда оилалар ҳовли тўйлари ўтказишавтган бўлса, ик- кинчи томонда эса Новокузнецк шаҳри бинокорлари яна қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Улар 1300 урнлик мактабнинг 2-қаватини монтаж қилмоқдалар. Бинокорлар бу объект қурилиши- да ҳам зўр гайрат қилишляпти.

Бу ерда Т. Грачченков, П. Его- рушин, В. Кондратьев каби би- нокорлар номини ҳозир ҳамма ҳўрмат билан тилаб олмақда. Улар смена топшириқларини ортинги билан адо этмоқдалар.

Новокузнецк шаҳри бинокорла- рининг иккинчи қисми ҳозир Энгелс кўчасида меҳнат қилмоқда. Улар пишиқ-пухта турар-ной би- ноларини бунёд этмоқдалар.

А. КИМ.

КУРКАМ БИНОЛАР

У ЛАР 40 киши, 20 киши 40 кватирали бинони, 20 киши эса 50 кватирали бинони қура- япти. Москвадаги илмий шаҳарча мана шу азаматлар қўлидан чиқ- кан. Мураккаб лаборатория ва кабинетлар, уқув корпуслари ва турар-ной бинолари қуравериб суққлари қотиб кетган. 40 аза- мат Тошкент бошига тушган та- биий офат изларини бартараф этиш ишида иштирок этиш нятии билан мана бугун Високоволыни массивида тер тўкиб меҳнат қил- моқда.

Москвалик бинокорларнинг бу группаси шаҳримизга кеч кузда етиб келишди. Эскиавтор ва бўлдоэрлар икки объект қотла- ванини қовлагуна бинокорлар до- лоиха ва чертёжларни ўрганиб чиқиди. Улар бу ерда 9 балли системда турар-ной қуришлари керак эди. Дўстларимиз Москвада бундай системда иморат қура- ганликлари учун ҳам олдинга би- роз қиналишди. Икки-кейин тошкентлик ҳамкасблари ёрдами- да янгича системда ишляши ҳам ўрганиб олишди. Улар қураётган

иморатлар гўе Ҳасон-Хусандек бир-бирига ўхшаш. Жуда ҳам қўрмил ва пилиш. Хар қаватнинг ўстига ва дераза тўсиқлари ўрни- га ерматурга ётқизиб бетон билан ишбаламоқдалар. Тармоқ графига ишлаётганликларини учун қў- рилиш тез сўрытлар билан бормоқда.

Тармоқ графигида ҳикмат қўл экан. Бу усул қўлбел материал- ларни тежаб ҳамда иш еквини иқтисод қилишга ёрдам беради. Айни вақтда қурилиш сўрытига сўрыт қўшилди. Москвалилар шунинг учун ҳам хар кунлик шифани икки норммага етказиб адо этмоқдалар.

— Февраль ойида 40 кватирали бинони, март ойида эса 50 кватирали бинони пардозловчи- лар қўлига топширамиз, — дейди бригада бошлиғи Ф. Алешин. — Май байрамини 90 оила мана шу куркам кватираларда кўтиб ола- ди.

Бинокорлар ўз сўзларининг ўс- тидан чиқишга ҳаракат қилмоқда- лар.

А. ФОЗИЛОВ.



ОЛОВЛИ ҲАЛҚА ЙИЛЛАРИ

УЛУФ Октябрь социалистик революцияси галаба қилган дастлабки кунлардан бошлаб халқ-аро империализм ёш Совет республикасида капитализмни қайтадан тикламоқ учун очик интервенция ва граждандар урушини бошлашга зур бериб тайёрланди. Сабоби, империалистлар Улуф Октябрнинг жаҳон пролетариатига, мустанлака ва қарам мамлакатларнинг меҳнаткор халқ оммасига революцион таъсирдан оловдан кўрқидан кўрқар эдилар. Совет давлатининг тинчлик сийсати ҳам уларни қаттиқ ташвишга солди. Ниҳоят, монополистлар Россия подшо ҳукумати-га ва муваққат буржуазия ҳукуматида берган эски қараларидан ҳамда Россиядан олиб турадиган катта фойдаларидан маҳрум бўлиб қолганини ис-тамасдилар.

Мамлакат ичкерисиде эса, ҳокимиятдан маҳрум этилган йирик буржуазия ва помещиклар халқ-аро империализмнинг ёрдами билан яна давлат тепасига келишни орзу қилар эдилар. Шундай қилиб, 1918 йилнинг эздаёқ ташки ва ички контр-революцион кучлар Совет ҳокимиятига қарши курашмоқ учун бирлашдилар. Ана шу душманлар-нинг дастидан Брест сулҳ натижасида эришил-ган тинчлик даври тугаб, уруш даври бошланг кетди.

1918 йилнинг баҳоридеёқ америка, инглиз ва француз империалистлари Мурманска десант туширдилар. Япон ва унинг кетидан америка ва инглиз босқинчилари Узоқ Шарққа қўшин юбор-дилар. Май ойининг охирида Антанта импери-алистлари чехословак корпусининг Совет ҳокими-ятига қарши исёнини уюштирдилар. Алжабий им-периалистларнинг ёрдами билан қўлқорлар бир қанча губерняларда галаён кўтарди. Совет ту-зумига қарши бўлган турли партиялар ҳам ак-набий империалистлар билан тил бириктириб, бузуғчилик ишларини авж олдирдилар.

Германия бўлса Брест сулҳини расмий равиш-да бекор қилмасдан туриб, Россия ҳисобига ўз территориясини кенгайтириш ниятида урушга кирди.

Киска муддат ичиде контрреволюция қўлачи жузда кенгайиб кетди. Оқ казаклар атамани Ду-тов Оренбургни босиб олиб, Совет Туркистон-нинг марказ билан алоқасини вақтинча узиб қўй-ди. Шимолий Кавказда Корнилов, Деникин, Алек-сеев, Донда Краснов ва Мамонтовлар бошқара-ётган оқ гвардиячи қўшинлар граждандар уру-шини авж олдириб, тинч аҳолини вақсийларча таладилар. Туркистон республикасининг бир қан-ча областлари ҳам жиддий ҳаф остида қолди. 1918 йил эзда Туркистон территориясида турта фронт—Оренбург, Закаспий, Ёттису ва Ферғона фронтлари ажузга келди. Совет Туркистон-ни ҳам бамисоли оловли халққа ичиде қолган қалъа-киёфасини касб этди.

Мамлакатимизнинг ўша пайтдаги аҳволи КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 4 январдаги қарориде жузда образли қилиб тасвирланган: «Совет республикаси бамисоли бир орол каби душман кучлари океани билан қуршаб олинган эди, душманлар уни муқарар ва тез ҳалок бў-лади деб айтмоқда эдилар. Улар ёш Совет рес-публикасини бўғиб ташламоқ учун ҳамма чора-ларин кўрдилар».

Уруш ёш Совет ижтимоий ва давлат тузуми-га, эндагина турганда Совет қурулди. кучларига, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг революция оловлариде вужудга келган иттифоқига, Ленин партиясига ва унинг барча ташкилотларига жузда катта синов бўлди. Оқ гвардиячилар ва интер-венциячиларнинг олов халқасини тилка-пора қилмоқ ва революция галабеларини қаттиқ туриб сиклаб қолмоқ учун жузда катта куч ва ғайрат сарфлашга тўғри келди.

ПАРТИЯ Марказий Комитети социалистик Ва-танин мудофаа қилишининг жанговар шайбига, мамлакатимиз эса ҳарбий латерга айланди. Барча ишларни ҳарбий изга кўчириш учун фа-қуллада чоралар кўрилди. Бутун куч ва восита-ларни душманин тор-мор келтириш ишига са-фарбар қилмоқ учун 1918 йил 30 ноябрда В. И. Ленин бошчилигида Ишчи ва Деҳқон мудофаа Совети тузилди. Партия ва барча жамоат ташки-лотларининг фаолияти уруш даври шартитига кўра қайтадан кўрилди. Уруш давомиде доимий мунтазам армия тузилди ва унда коммунистлар-нинг роли ва таъсири янада кучайтириди. Мам-



Тошкентдаги контрреволюцион исёни тор-мор қилишда иштирок этган қизил партизанлардан бир гуруҳаси (чапдаги сурат). Отлиқлар полки Закаспий фронтига жўнаб кетайтир. 1919 йил.

лаётда вақтинча ҳарбий коммунизм сийсати жорий қилинди.

1918 йилнинг ўрталаридаги оғир вазиятни ҳи-соба олган Туркистон Компартияси ҳам мамла-кат мудофаасига алоҳида эътибор берди. Туркист-он Советларининг Марказий Ижроия Комитети ўзининг 1918 йил 13 июлдаги кенгашида муҳим сийсий ва ҳарбий тadbирлар белгилади. Шу кен-гашида Ф. И. Колесов, Н. В. Шумилов, И. П. Бел-лов, Н. Я. Федермессор ва бошқалардан иборат республика мудофаа штаби тузилди. Маҳаллий меҳнаткашларни мудофаа ишига сафарбар қилишга кўрсатма берилди. Мудофаа мақ-садлари учун сарфланган маблаг қўлайти-риди. Маҳаллий матбуот—«Наша газета», «Со-ветский Туркестан» ва «Иштрокиюн» газеталари родацияларига ўз фойдаларини уруш даврига мослаб қайта қуриш вазифаси топширилди.

1918 йил 17 июлда В. И. Ленин Туркистон Халқ Комиссариатининг раиси номига телеграмма-мани юбориб, унда Туркистонга иложли бўлган барча ердан кўрсатилиш, ҳарбий полк юборилиш талаб қилган эди. РКП(б) Марказий Комитети-нинг ва шахсан В. И. Лениннинг ғамхўрлиги Тур-кистондаги барча меҳнаткашларнинг жанговар-лик руҳини янада кучайтириб юборди.

1918 йилнинг июль-август ойлариде Туркист-он шартитида Закаспий fronti алоҳида эътиборни талаб қилган эди. 1918 йил июлда Асхабодда (ҳозирги Ашхобод) эсерлар, меншевиклар ва туркман буржуа миллатчилари Советларга қарши тўнтарилш ўтказиб, Закаспийнинг эшигини инглиз империалистларига очиб бердилар. Эсерлар 21 июлда Мерв (Мари) шаҳрида Туркистон Компар-тиясининг арбобларидан бири, Меҳнат халқ ко-миссари П. Г. Полтавскийни отиб ўлдирдилар, 24 июлда Анжия станицасида Ашхободнинг 9 комиссари — Житников, Телля, Малибожко ва бошқалар ваҳшийларча ҳалок этилди. Кейинроқ эсерларнинг ёрдами билан инглизлар Бокунинг 26 комиссарини ҳам Закаспий чўлида отиб таш-лайдилар. Оқ гвардиячи ва буржуа миллатчилар-нинг қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай Қизил Армия қисмлари фронтнинг айрим уст-калариде бирин-кетин ҳужумга ўтдилар. Уларга республиканинг турли шаҳарларидан ердан уюш-тирилди. 24 июлда Тошкент ишчиларидан тузил-ган Қизил Гвардиячилар, Тошкент артиллериячи-ларининг жанговар отряди (Тарбо) ва бошқа ҳар-бий кучлар Закаспий frontiда юборилди. Ав-густ ойи ичиде Закаспийнинг бир қанча шаҳарла-ри ва темир йўл станицалари (Равиница, Байрам-Али, Мерв ва бошқалар) душмандан озод қи-линди. Кушқа қалъасининг мудофаавчилари ало-ҳида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Оренбург ва бошқа фронтларда ҳам Қизил Ар-мия жиддий муваффақиятларга эришди.

1918 йилнинг кузида Тургай областининг ко-миссари Алий Жонгилдин В. И. Лениннинг ва Я. М. Свердловнинг топширини билан Москва-дан Туркистонга ердан учун 600 кишилик отряд ҳамда пул, милтик, пулемёт, патрон ва граната-лар билан қурулланиб, Чалқар станицасига етиб келди. Бу оталарча ғамхўрлик ҳам республика-миз қурулди кунларини ва халқни янги галаба-ларга илҳомлангиди.

СОВЕТ қурулди кучлари 1918 йил кузида даст-лабки муваффақиятларга эришди. Бу эса душманларни қаттиқ саросимага солиб қўйди. Туркистонда англис-америка разведкаси томони-дан тузилган «Туркистон ҳарбий ташкилоти» со-ветларга қарши барча контрреволюцион гуруҳ-

лар билан тил бириктириб, Тошкентда исён ўткази-шига шайланди. «Сўла эсерлар эса, шу исён-дан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга олишни мўлжалладилар. Улар исён арафа-сида ўз сўздаларини ўтказмоқ учун Тошкентда тўпландилар. Иёвчиларга чор армиясининг со-биқ офицери, кейин Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари лавозимига чиқиб олган, хон Осинов бошчилиқ қилди. Бу қора кучлар даст-лаб Тошкентни босиб олишни, Туркистон рес-публикасининг бошлешвик раҳбарларини қўқ қилишни, кейин эса, ҳарбий диктатура ўрнатиб, шу орқали бутун Туркистонда Совет ҳокимиятини адаришни планлаштирган эдилар. Улар 1919 йилнинг 18 январдан 19 январга ўтар кечаси ўз планларини амалга оширишга киришдилар. Уша кунни кечаси Туркистоннинг кўзга кўринган раҳ-бар арбобларини алдаб, собиқ 2-Сибирь ўқи-полкиннинг казармасига қақириб келтирилдилар ва уларни ваҳшийларча қўйиб ўлдирдилар.

Туркистонда коммунизм иши учун ҳалок бўл-ган бу комиссарларнинг порлоқ хотираси совет кишилари қалбиде абадий яшайди ва уларнинг номлари доимо ҳурмат билан тилга олинади. Тошкентнинг вокзал майдониде салобат билан қад кўтариб турган монумент-ҳайкал бунинг ёр-қин тисмониди.

19 январь эрталабга қадар шаҳарнинг «Озод-лик уйи», вокзал ёнидаги Бош темир йўл мас-терской ва ҳарбий қалъадан бошқа муҳим жои-ларни исёнчилар томонидан эгалланган эди.

Ана шундай оғир шартитида исёнчиларнинг ваҳшийлигидан омон қолган Тошкент бошлешви-ларидан А. А. Казанов, Низоимидин Хўжаев, Д. И. Манжара, П. И. Ильясов, С. З. Рубцов ва бошқалар Тошкент ишчиларининг Совет ҳокими-яти учун курашига, контрреволюционерларни тор-мор қилишни уюштириш ишига бошчилиқ қилдилар.

[Давоми 3-бетда].

КОММУНИСТ БУРЧИ

1918 ЙИЛ ИЮЛДА ЧИҚАРИЛ-ГАН ЭСДАЛИКДАН

Уртоқ коммунист, сен қурол иш-латишни биласанми? Милатқини ўқ-лашингиза эмас, умумий сафла ишлай олишни ҳам биласанми? Занжирли сафларнинг кўчиб юри-ши, заставаларни қўйиш, окопнинг тузилиши—булар сенга маълумми? Сен пулемёт, қўл бомбаси, миномёт билан муомала қила олсанми? Агар шуларни билмасанг, дарҳол кечикмай ўз комитетингга бор ва ўқишга ёзил. Социализм ишини ҳи-мома қилишга ҳар томонлама му-каммал тайёр туриш коммунист-нинг бурчиди!

Халқаро ахвол

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Чет эл мухбирлари Пекиндан Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенга-шонининг янги қарори тўғрисида хабар бермоқдалар. Бу қарорга биноан, Мао Цзэ-дун гуруҳи «но-матул» деб қараладиган ҳар қан-дай «миллий ташкилотни» тар-тиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Бу қарор биринчи навбатда Умум-хитой касаба союзлари федера-циясига қарши қаратилган, деб фараз қилмоқдалар. Ўтказилган кўндан-кўн тозалашларга қара-май, федерацияда Мао душманла-ри ўз позицияларини сақлаб қол-ган бўлсалар керак.

Вир қанча хабар Хитой армия-сида Мао Цзэ-дун гуруҳига қар-ши оппозиция борлигидан дало-лат беради. Японияда чиқадиган «Нихон Кёйдзай» газетасининг Пекиндаги мухбири хабар бери-шича, Мао Цзэ-дун шу муносабат билан «маданий революцияни» «бирданга бутун армияда ўтказ-май», «кийинчилар» учрайдиган жойларда «маданий револю-ция» ўтказишни секинлаштириш и-рақисини тўғрисида кўрсатма чи-қарган.

Сўнгра мухбир Люйда (Ляодун ярим оролидаги собиқ Дальний)

ЖАНУБИЙ ВЬЕТ-НАМДА ЖАНГЛАР

НЬО-НОРК. 17 февраль. (ТАСС). Ой календарини бўйича янги йилни байрам қилиш му-носабати билан тузилган яраш-дан кейин Жанубий Вьетнамда-ги Америка қўшинлари қўмон-дон парварларга қарши жазо опе-рацияларини кенгайтириш тўғ-рисида бўйруқ берди. Америка мухбирларининг Сайгондан ха-бар беришларига кўра, Контум вилоятидаги Марказий Платода қаршиятчи жанглар бўлаяпти. Шу райондаги умумий сови тахминан 17 миң кишига бера-диган жазо отрядлари анча та-лафот кўрмоқдалар. Ассошией-тед Пресс агентлигининг Сай-гондаги мухбири хабар бериши-ча, Америка 4-питеда аскарлар дивизиясининг битта ротаси ми-номётлардан ва милтиқлардан жадал ўққа тутилишни оқибати-да кеча оғир талафотлар кўр-ган.

Жанубий Вьетнам бир неча районларида Жанубий Вьетнам-лик ватанпарварлар билан бў-лаётган жангларда АҚШ ва «Нитифорчиларнинг» 30 миң солдати қатнашган. Сўнги ик-ки кун мобайлида ватанпарвар-лар ўт очиб, 13 Америка верто-летини уриб туширганлар.

ПАРИЖ. 17 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентли-гининг Сайгондаги мухбири ха-бар беришича, кеча «В-52» ти-пидеги Америка стратегия бом-бардировочни самолётлари Жану-бий Вьетнамдаги операциялар-га мадад бериб, учини сови жи-қсмида янги жамяят барпо этиш шарафига Чангшэга қанот бахш этди. У Қозонда Октябр революциясининг галаба қозо-нишида ва Туркистонда граж-данлар урушида актив қатнаш-ган.

шакри районида бўлаётган «Кес-кин вазият» тўғрисида хабар бе-ради. Бу ерда армиянинг бир қис-ми Мао Цзэ-дун душманлари то-монига ўтиб, «Мао Цзэ-дун тараф-дорларини даф қилишда» ва чи-харга кириш йўлларини тўсиб қўйган». Мухбир Мао Цзэ-дун-нинг армияда «маданий револю-цияни» секинлаштириш тўғриси-даги бўйруғи жоилардаги шундай «тартибсизликларни» бостиришга, уларни алоҳида-алоҳида тор-мор этишга имкон беришни керак.

Пекинда пайдо бўлган варақа-ларга асосланиб, Болгария теле-граф агентлигининг мухбири ҳам армиянинг цзавофилар билан хун-армиячиларга берилган зарбалар ва улар ўртасида қонли тўқна-шулар юз берганини тўғрисида хабар беради. Варақаларда айти-лишича, Люйшунь (Порт-Артур) шаҳрининг қўшинлари Мао гуру-ҳига қарши чиқувчилар «тарифи-га ўтиб» Мао-цзэ-дунчиларнинг адабини бермоқда. Ина варақа-ларда айтилишича, 3125-ҳарбий қисм солдатлари Порт-Артурдаги фабрикалардан бирида 2000 га яқин цзавофиларни қуршаб олиб, «оват бермай ушлаб турибди-лар». Порт-Артурдаги ҳарбий қисмлар қуршовдагиларга ердан бермоқчи бўлган 2 миң исёнчор, ин қуршаб олиб, 400 га яқин ки-шини қамаб қўйганлар. Тўқнашув вақтида ўлдирилганлар ва ярадор бўлганлар бор. Қўшинлар шаҳар билан қўшни районлар ўртасида-ги алоқани узиб қўйган.

Чет эл мухбирларининг маълум-отларига кўра Хитойнинг ши-мо-л-шарқидеги Чанчунь шаҳрида ҳам армия қисми радиостанция-

ни ҳамда илгари Мао Цзэ-дун та-рефдорлари қўлида бўлган жамо-ат хавфсизлиги бошқармасини босиб олган. Шу воқеалар вақти-да тахминан 100 исёнчор қамолқа олинган.

Цзавофилар ва хунвэйбинлар Хитойнинг бошқа районларида ҳам жиддий қаршиликларга дуч келмоқдалар. Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети про-паганда бўлимининг янги мухбири Ван Лининг Синьхуа агентлигида қилган нутқини баён этувчи вара-қалар Пекинда пайдо бўлди. Бу варақалардан маълум бўлишича, цзавофилар билан хунвэйбинлар Шаньдун вилоятида «ҳокимиятни қўлга ололмаганлар».

Линь-Ваннинг армияда тозалаш ўтказиб, «инида-ким Мао Цзэ-дун-га қарши чиқадиган бўлса, эмин-унонини пасайтириш» чадириб нутқ сузлаганини ҳам варақалар-дан маълум бўлиб қолди. Линь-Ван армияга кадрлар тайилатган-да уларнинг Мао Цзэ-дун билан унинг сийсатига муносабат асосий меzon бўлишни керак, деган.

Совет аэвиқонаси олдида хун-вэйбинларнинг намоёишлари ва бебошчилари тўхтаган бўлсада, Хитойда Советларга қарши ашад-дий кампания давом этаётти. 15 февралда Пекинда Мавритания ху-кумат делегацияси шарафига уюштирилган қабул маросимиде сўзлаган Хитой Халқ Республика-си Давлат Кенгаши бошлешининг ўринбосари Пань Ининг нутрида ҳам Совет давлатига қарши кў-пол ҳуруслар қилинди. Хитой га-зеталари Советларга қарши мано-лалар билан тулнб-тошиб ётибди.

(17 февраль, ТАСС).

„ТОШКЕНТ РУҲИГА“ МУВОФИҚ

ДЕХЛИ, 17 февраль. (ТАСС). ПТИ агентлигининг хабарига кўра, Хиндистон билан Покистон ҳуку-матлари ўртасида бир-бирларига журналистлар юборишни тиклаш тўғрисида битимга келинган. Якин орада Хиндистон журналистлари Покистонга жўнаб кетадилар, По-кистон журналистлари эса, Деҳ-лига келадилар. (Хиндистон билан Покистон ўртасидаги қурулди мо-жаро даврида журналистлар ўз

мамлакатларига қақириб олинган эдилар). Хиндистоннинг хабардор доира-лари вақти келиб бир-бирларига журналистлар юбориш кенгайти-рилди, деб умид тутмоқдалар, дейилади хабарда. Уларнинг фик-рига кўра, бу нарсаси Тошкент Дек-ларациясининг қарорларига му-вофиқ, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш процессига ижобий таъсир курс-тади.

15 МИНГ ҚОНУН БУЗУВЧИ

ТОКИО, 17 февраль. (ТАСС). 29 январда Япония парла-ментининг қуйи палатасига сайлов вақтида сайлов қонунини бузганлиги учун 15 миң киши қамалган ва уларга нисбатан турли жазо чоралари қўлланилган. Жамоат хавфсизлиги ҳуку-мат комиссиясининг раиси Фуэдзэда Япония миңистрлар каби-нетининг мажлисида бугун шу ҳақда хабар берган. Қонун бу-зувчилар қаторида найрағи ишлатишларига қарамай, депута-тлик мандатларини ололмаган собиқ 8 та номзод ҳам бор.

АҚШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИСКАРТИРИЛАПТИ

НЬО-НОРК. 17 февраль. (ТАСС). Расмий маълумотлар-га кўра АҚШ саноат ишлаб чи-қариши январда бир процент қисқарган.

Қунончи, бу қисқариш Вьет-намдаги агрессияни давом этти-риш мақсадида ҳарбий ишлаб чиқаришни ўстириш давом эта-ётганилига қарамай юз бера-

верган. Айни вақтда ҳарбий са-ноат тез ўсишда давом этипти, экономиканинг граждан сектор-ларида ишлаб чиқариш пасай-моқда. Автомобилларнинг боези-ри касод бўлганлиги тўғрисида автомобиль чинарини жуذا ка-майиб негди, шунингден пўлат ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш ҳам қамайди.


МУДОФАА СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИДАН

1919 ЙИЛ 14 АПРЕЛЬ
ТУРКИСТОНГА ҲАРБИЙ МА-ТЕРИАЛЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИ-ДА.

Республика Революцион Ҳарбий Советига Туркистон ҳарбий ташки-лотларининг талабини имкони бо-рича қондириш топширилсин, токи улар ҳарбий материалларни дарҳол ва бевосита олодсинлар.

Мудофаа Советининг Раиси
В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН).

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР



Д. И. МАНЖАРА

Дмитрий Иванович Манжара (1885—1937) 1917 йилда КПСС га аъзо бўлиб қиради. У 1905—1907 йиллар револю-циясида актив қатнашган. Ок-тябрь кунлариде Тошкентда Тошкент-пассажирскага станица-сида Ревком раиси ўринбосари бўлиб турган. Тошкентда Совет-ларга қарши исён даврида эса Вахтл Ҳарбий-Революцион Со-вет раисининг ўринбосари эди. У узоқ вақтгача партия, касаба союз ва совет ишларида бўлди.



Н. ХУЖАЕВ

Низоимидин Хўжаев (1885—1942) 1918 йилдаёқ КПСС са-фига кирган. Тошкент шаҳар бошлешвикларининг раҳбарлари-дан бири сифатида Туркистонда Октябр революцияси ва граж-данлар урушида актив қатна-шган. Тошкентнинг эски шаҳа-рида ташкил этилган партия дружинасининг раиси сифатида Совет ҳокимиятининг мустаҳкам-лашда намунали фаолият кўр-сатган.



З. ИЛЕСОВ

Зайнутдин Илёсов (1895) Ле-нин партияси сафига 1918 йил бошлариде қиради. У эски ша-ҳар юкчилари союзининг раиси, партия дружинаси солдати бўл-ган. 1918—1920 йилларда ЦК органларида ишлайди. Граждан-лар урушин даврида босмачи-ларга қарши курашда актив қатнашган. Кейинчалик совет ва хўжалик ишларида раҳбар-лик лавозимларини бажаради.



Е. Ж. ЧАНИШЕВ

Екуб Жоигирович Чанишев (1892) Коммунистик партия сафига 1917 йилда қиради. У Ленин партияси сафиде синфий кураш жанглариде чиниқиб, фидокор бошлешвик бўлиб эти-шган. Ер юзининг олтидан бир қисмида янги жамяят барпо этиш шарафига Чанишевга қанот бахш этди. У Қозонда Октябр революциясининг галаба қозо-нишида ва Туркистонда граж-данлар урушида актив қатнаш-ган.

